



British Embassy
Tashkent

**НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР
ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

ҚўЛЛАНМА

**"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2025**

УЎК 342.7-055.2-056.24(07)

КБК 67.400.7я7

Н 72

Ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий ҳимояга мұхтојж хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўлланма. Муаллифлар: Қ. Тоғаев, Ш. Мажидов. “Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти. –Тошкент. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2025 йил. – 112 б.

ISBN 978-9910-8176-5-6

Тақризчилар:

А. Мусаев, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази директори

У. Ҳакимов, “Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ижрочи директори Ш. Сайдовнинг умумий таҳрири остида

*“Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти
ижрочи директори Ш. Сайдовнинг умумий таҳрири остида*

Ушбу қўлланмада мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ҳимояга мұхтојж қатламлари, жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий ҳимояга мұхтојж хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилигимизда белгиланган имтиёзлар ва уларнинг мазмун-моҳияти савол-жавоб тарзида батағсил ёритилган.

“Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотининг масъул ходимлари томонидан тайёрланган мазкур қўлланма аҳолининг ижтимоий ҳимояга мұхтојж қатламлари, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга масъул соҳалар мутахассислари ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

*Ушбу қўлланма Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги
элчихонаси кўмагида чоп этилди*

© Қ. Тоғаев, Ш. Мажидов, “Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2025 йил

МУНДАРИЖА

Кириш	4
I боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари.....	7
II боб. Ногиронлиги бўлган шахсларга солиқ имтиёзлари	19
III боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мехнат ҳуқуқлари кафолатлари	23
IV боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси	33
V боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши ҳуқуқлари кафолатлари	53
VI боб. Ногиронлиги бўлган шахслар учун давлат томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш кафолатлари	61
VII боб. Ногиронлиги бўлган шахсларни жиноий жазога тортиш ва улар жазо ўташида қўлланиладиган имтиёзлар	65
VIII боб. Ижтимоий ҳимояга мұхтож хотин-қизларнинг ҳуқуқлари.....	71
IX боб. Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	83
X боб. Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси.....	92

КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари бундан буён барча жабҳаларда устувор аҳамият касб этишини қатъий қоидага айлантириш, бир сўз билан айтганда, “Инсон қадри учун” ғоясини ҳамда бугунги ислоҳотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари ва лойиҳаларининг мазмун-моҳиятига сингдириб борилиши мұхим аҳамият касб этмоқда.

Зоро, жамиятимизда кечеётган туб ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга мұхтож қатламларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, барча зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг энг мұхим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий ҳимояга мұхтож хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар кўлами уларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини амалда таъминлаш ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий база ва зарур бошқа имкониятлар яратилганлигидан далолатидир.

Ушбу қўлланмада аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий ҳимояга мұхтож хотин-қизлар учун миллий қонунчилигимизда белгиланган имтиёзлар мажмуюи ва ҳар бир имтиёзнинг мазмун-моҳияти савол-жавоблар шаклида содда ва тушунарли услугуда ёритилган. Мұхими, унда мазкур имтиёзларни жамлаб, соҳалар бўйича ҳуқуқий асослари кўрсатилган ҳолда алоҳида-алоҳида баён қилинганлиги, ўқувчини қизиқтирган масала юзасидан саволига дарҳол ишончли жавоб тошип имкони яратилганлиги алоҳида аҳамиятлидир.

Мазкур қўлланма ногиронлиги бўлган шахслар, ижтимоий ҳимояга мұхтож хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга масъул соҳалар мутахассислари ва кенг жамоатчилик вакиллари учун ишончли ахборот манбаи сифатида хизмат қиласди.

Ушбу китоб орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтоҷ қатлами вакиллари уларга берилган имтиёзлар ва яратилган имкониятлар ҳақида етарлича маълумот олиб, ўз ҳуқуқларини теран англайдилар, уларни оғишмай амалга оширишилини таъминлаш бўйича зарур ҳуқуқий билимларга эга бўладилар.





I бөб. НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ



1-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари нималардан иборат?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига мувофиқ, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини ошириш, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўради ҳамда уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлади*.



2-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар деганда кимлар тушунилади?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунiga кўра, ногиронлиги бўлган шахс – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга

тeng тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтоҷ барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахсdir**.



3-савол: Ногиронлиги бўлган болалар деганда кимлар тушунилади?

* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6445145>

** “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ–641-сон Қонуни. (15.10.2020 й.). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5049511>



Жавоб: Ногиронлиги бўлган болалар (бала) – барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётий фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар тушунилади*.

4-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглигини таъминлаш ва камситилишига йўл қўймаслик мақсадида қандай чора-тадбирлар белгиланган?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик белгиси бўйича ҳар қандай камситилишига йўл қўйиш тақиқланади.

Уларнинг ногиронлик белгисига кўра камситилишига йўл қўймаслик учун давлат орғанлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълимга оид, ишга жойлашишда асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда ҳамда ахборот ва алоқа воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлашга доир чораларни кўради.

Давлат инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг камситилишига йўл қўймаслик чораларини кўради**.

5-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг дахлсиэзлик ҳуқуқи дегандা нима тушунилади?

* Ўша манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5049511>

** 1. "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ–641-сон Қонуни. (15.10.2020 й.). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5049511>

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6445145>



Жавоб: Ногиронлиги бўлган шахслар қонунчиликда назарда тутилган тартибда тажовузлардан ҳимоя қилиниш, ўз шахсий ҳаёти, оиласи, уй-жойи ёки хат-хабарлари дахлсизлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга*.



6-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар фуқароликни олиш ва мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиши ҳақида қандай қоидалар бор?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуqlари тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига кўра, ногиронлиги бўлган шахслар бошқа фуқаролар билан тенг равишда фуқароликни олиш ва ўзгартириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш, мамлакатимизга кириш ва чиқиб кетиш ҳуқуқига эга, бундан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қонунчиликда белгиланган чекловлар мустасно**.



7-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жойига бўлган ҳуқуқлари қандай амалга оширилади?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасида давлат ногиронлиги бўлган шахсларга ва ногиронлиги бўлган шахс бор оиласарга уй-жойни қулай нархлар бўйича олиш учун зарур шартшароитлар ҳамда имкониятларни таъминлаб бериши белгиланган.

Шунга кўра, ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурлари ва маҳсус дастурлар доирасида имти-

* Ўша манбалар: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси

** Ўша манбалар: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси

ёзли шартлар асосида уй-жой ва имтиёзли ипотека кредити олиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларнинг электрон онлайн-аукционлар воситасида ер участкаларини сотиб олиш билан боғлиқ ҳаражатларининг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қопланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жойни тақсимлашда имкониятга қараб, обьектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципига риоя этилган ҳолда, иш жойига, тиббиёт ва реабилитация муассасалари га яқин бўлган уй-жой берилади. Улар эгаллаб турган турар жойлар эркин ҳаракатланиш ва фойдаланиш учун маҳсус воситалар ҳамда мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ногиронлиги бўлган шахсларга давлат уй-жой фондининг кўп квартирали уйларидаги турар жойлар уларнинг хоҳишига кўра пастки қаватлардан берилиши мумкин.

Ногиронлиги бўлган шахслар имтиёзли шартлар асосида ҳам ижтимоий уй-жой олиш ҳуқуқига эга*.

8-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар ташириф буюрадиган ижтимоий инфратузилма обьектларида қандай шароитлар бўлиши лозим?



Жавоб: Ижро этувчи ҳокимият органдари ва ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг, шу жумладан ўриндикили аравачалардан ҳамда етакловчи итлардан фойдаланувчи шахсларнинг барча ижтимоий инфратузилма обьектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт обьектларига, маданий-томоша муассасаларида) ташириф буюрадиган ижтимоий инфратузилма обьектларида қандай шароитлар бўлиши лозим?

* 1. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-641-сон Қонуни. (15.10.2020 й.). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5049511>

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6445145>

ларига ҳамда бошқа муассасаларга) монеликсиз кириши учун шартшароитлар яратиши шарт.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг обьектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шартшароитлар яратиш қурилиш лойиҳалари нинг мажбурий қисми ҳисобланади.



9-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларга жамоат транспорти хизматларидан фойдаланишида қандай қулайликлар яратиш белгиланган?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларга қулайлик яратиш учун жамоат транспортида маҳсус воситалар, шу жумладан алоҳида жойлар жиҳозланиши, эшитиш қобилияти заиф бўлганлар учун ахборот таблолари ўрнатилиши ҳамда бекатларнинг овозли тарзда эълон қилиниши;

шаҳар ва қишлоқ жамоат транспорти воситаларининг йўналишлари ҳамда кўрсаткичлари кескин фарқланувчи рангдаги йирик ҳарфлар билан тасвирланиши;

йўловчи поездларининг вагонлари маҳсус ўринлар билан ва перронлар, шунингдек темир йўл вокзаллари механик пандуслар билан жиҳозланиши;

пиёдалар ўтиш жойлари ва чорраҳаларини, кўчалар ҳамда умумий фойдаланишдаги йўлларни ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига мувофиқ мослаштириш;

аэропортларда ва аэровокзалларда, йирик темир йўл станцияларида, шунингдек метрода ногиронлиги бўлган шахсларни транспорт воситаларигача кузатиб бориш белгилаб қўйилган*.

* 1. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-641-сон Қонуни. (15.10.2020 й.). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5049511>

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6445145>

 **10-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар учун меҳмонхоналарда қандай қулаликлар яратилган бўлиши лозим?**

Жавоб: Меҳмонхоналарнинг мулқдорлари Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасига мувофиқ, умумий хоналар фондининг камида битта хонасини ўриндики аравачадан фойдаланадиган ногиронлиги бўлган шахслар учун қулаи тарзда жиҳозлаши, шунингдек эшитиш ва кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг тегишли эҳтиёжларига мувофиқ эълонлар учун дисплейлар ҳамда овозли қурилмалар ўрнатилишини таъминлаши шарт*.



* 1. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-641-сон Қонуни. (15.10.2020 й.). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5049511>

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6445145>



11-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаат қилишни амалга ошириш тартиби қандай?



Жавоб: Қонунчилигимизда фуқароларнинг давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат қилиш ҳуқуqlари кафолатган. Бу – ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳам ҳуқуqlари ҳисобланади.

Ташкилотларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этган ҳолда, ушбу мурожаатларни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларнинг бузилган ҳуқуqlари, эркинликлари тикланиши ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Ташкилотларнинг мансабдор шахслари ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатлар билан кириши учун қўйидаги шартшароитларни яратиши шарт:

- шахслараро мулоқот воситаси сифатида имо-ишора тилини эътироф этиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек уни ривожлантириш ҳамда жамият ва давлат фаолиятининг турли соҳаларида қўллаш чораларини кўриш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуqlарини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ҳолларда сурдотаржима хизматларини кўрсатиш;
- улар томонидан ўз мурожаатини имзолаш учун факсимил имзодан фойдаланиш имконини яратиш.

Эшлиши ва нутқи бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга:

- тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёки жиноят, фуқаролик, маъмурӣ ва иқтисодий ишлар бўйича суд процесларида иштирок этиш чоғида;
- ҳужжатларни ёки битимларни нотариал тартибда расмийлаштиришда;
- автомобилни бошқариш кўникмаларига ёки компьютер саводхонлигига ўқиш пайтида;

- давлат хизматлари кўрсатиш чоғида сурдотаржимон хизматлари кўрсатилади.

Давлат ҳар йили сурдотаржимонлар, сурдопедагоглар, дефектологлар ва логопедлар тайёрланишини таъминлайди*.



12-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқлари қандай таъминланади?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат ногиронлиги бўлган шахслар учун бошқалар билан тенг равишда одил судловдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди, шу жумладан суд процессининг барча босқичларида, шунингдек суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонунда белгиланган тартибда иштирок этишини таъминлашга қаратилган чораларни кўради**.



13-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай иштирок этишилари мумкин?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг 30²-моддасида ногиронлиги бўлган шахслар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши, шу жумладан қонунда белгиланган тартибда сайлаш ва сайланиш, референдумларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Давлат сайлов участкаларида (референдум участкаларида) ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча тоифалари, шу жумладан эшишиш, кўриш бўйича ногиронлиги бўлган, ўриндиқли аравачалардан

* Ўша манбалар: <https://lex.uz/docs/5049511> <https://lex.uz/docs/6445145>

** Ўша манбалар: <https://lex.uz/docs/5049511> <https://lex.uz/docs/6445145>

фойдаланувчи шахслар овоз бериши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди*.

14-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларга қандай ижтимоий ёрдам турлари кўрсатилади?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг 36-моддасига кўра, ижтимоий ёрдамнинг қўйидаги турлари кўрсатилади:

- пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар);
- реабилитация қилишнинг техник воситалари, сурдотехника, тифлотехника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия мосламалари, маҳсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтирувчи аппаратлар ва сигнализаторлар, субтитрли ёки сурдотаржимили видеоматериаллар, шунингдек автомобиллар билан таъминлаш;
- тиббий, ижтимоий, касбий, жисмоний реабилитация қилиш бўйича хизматлар ва майший хизматлар кўрсатиш;
- транспорт хизматлари;
- дори воситалари билан таъминлаш.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа давлат органлари томонидан тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг хulosалари асосида кўрсатилади.

Ногиронлиги бўлган, ўзи хизмат кўрсатиш қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотган ва ўзгаларнинг доимий парваришига

* 1. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-641-сон Қонуни. (15.10.2020 й.). Қонунчиллик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5049511>

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчиллик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6445145>

муҳтож бўлган шахсларга хизматлар уларнинг ўйида ҳамда ваколатли давлат органларининг ихтисослаштирилган стационар муассасаларида қонунчиликда белгиланган тартибда кўрсатилади.

Иш берувчининг айби билан меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган ногиронлиги бўлган шахслар иш берувчнинг (ташкilotнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар) маблағлари ҳисобидан реабилитация қилишнинг техник ва маҳсус транспорт воситалари билан таъминланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронлиги бўлган шахсларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўшимча ижтимоий кафолатлар белгилаш ҳуқуқига эга*.

* 1. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-641-сон Қонуни. (15.10.2020 й.). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5049511>

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6445145>



II боб. НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН ШАХСЛАРГА СОЛИҚ ЙМТИЁЗЛАРИ





15-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларга даромад солиғи бўйича имтиёзлар мавжудми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра, болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баравари миқдоридаги даромадлари (2025 йил 1 август ҳолатида 3 млн 813 минг сўм) бўйича даромад солиғидан озод этилади*. Ушбу солиқ имтиёзидан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган шахс ногиронлик гувоҳномасини тегишли иш жойига тақдим этиши лозим.

* Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (30.12.2019 й. санасида қабул қилинган). Конунчилик маълумотлари миллӣ базаси: <https://lex.uz/docs/4674902>

?

16-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларга ер солиғи бўйича имтиёз мавжудми?



Жавоб: Албатта, Солиқ кодексининг 436-моддасига мувофиқ уруш ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар ва I ҳамда II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар ер солиғидан тўлиқ озод этилган*. Ушбу солиқ имтиёзидан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган шахс ногиронлик гувоҳномасини ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органларига мустақил равишда тақдим этиши лозим.

?

17-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларга қонунчиликда мол-мулк солиғи бўйича имтиёз белгиланганми?



Жавоб: Солиқ кодексининг 421-моддасига кўра, уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонунчилик билан белгиланадиган, уларга тенглаштирилган шахслар ўз мулкида бўлган турар жойнинг мол-мулк солиғидан тўлиқ озод этилган. Шунингдек, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар эса мулкида бўлган мол-мулкнинг олтмиш квадрат метр доирасида мол-мулк солиғидан озод қилинган**.

* Ўша манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/4674902>

** Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (30.12.2019 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/4674902>



III бөб. НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН ШАХСЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ





18-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишда қандай кафолатлар белгиланган?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларга белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ҳисобидан захирадаги иш ўринларига маҳаллий меҳнат органлари йўлланмасига кўра ишга жойлашиш кафолатланган. Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғига қарши кўрсатма бўлган ишларда фойдаланиш тақиқланади. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлиқсиз иш вақти режими тўғрисидаги, юкламани камайтириш ҳақидаги ва меҳнатнинг бошқа шарт-шароитлари тўғрисидаги тавсиялари иш берувчи томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади*.



19-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларни уларнинг соғлиғига номувофиқ бўлган ишларга жалб этиш мумкинми?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 423-моддасига кўра, ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғига қарши кўрсатма бўлган ишларда фойдаланиш тақиқланади. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлиқсиз иш вақти режими тўғрисидаги, юкламани камайтириш ҳақидаги ва меҳнатнинг бошқа шарт-шароитлари тўғрисидаги тавсиялари иш берувчи томонидан бажарилиши мажбурийdir**.

* “Аҳоли бандлиги тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-642-сон Қонуни. (20.10.2020 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5055690>


** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>

20-савол: Ногиронлиги бўлган ходимларга йиллик узайтирилган таътил бериш ва уларни меҳнат таътилидан чақириб олиш мумкинми?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 429-моддасига кўра, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган ходимларга давомийлиги камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик меҳнат таътили берилади ва улар бу таътилдан йилнинг ўзлари учун қулай бўлган вақтида фойдаланиши мумкин. Шунингдек, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган ходимларни йиллик меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмайди*.

21-савол: Ходимларнинг сони (штати) ўзгарганлиги муносабати билан ишга қолдиришда ногиронлиги бўлган шахсларга устуворлик мавжудми?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 167-моддасига кўра, технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишининг ўзгаришига, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқаришига боғлиқ бўлган ташкилот, якка тартибдаги тадбиркор ходимларининг сони (штати) ўзгарганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишга қолдиришга доир имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда ногиронлиги бўлган шахсларни ишда қолдиришда устуворлик берилади**.

22-савол: Ногиронлиги бўлган ходимлар учун ҳафталик иши вақтининг давомийлиги қандай белгиланади?

* Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Конунчилик маълумотлари миллый базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>

** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Конунчилик маълумотлари миллый базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>



Жавоб: Меҳнат кодексининг 427-моддасига кўра, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган этиб белгиланади. Улар учун кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг тавсияларига мувофиқ белгиланади, лекин олти кунлик иш ҳафтасида – олти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида – етти соат-у ўттиз дақиқадан ортиб кетмаслиги лозим*.



23-савол: Ногиронлиги бўлган ходимларга меҳнат таътилини тақдим этиши тартиби қандай?



Жавоб: Меҳнат кодексининг 227–228-моддаларига мувофиқ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга биринчи иш йилида олти ой ўтгунига қадар унинг хоҳишига кўра йиллик меҳнат таътили берилиши мумкин. Улар иккичи ва кейинги иш йилларида ҳар йилги меҳнат таътилини ўзлари учун қулай бўлган даврда олишга ҳақли**.



24-савол: Ногиронлиги бўлган ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкинми?



Жавоб: Меҳнат кодексининг 242-моддасига биноан, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимга, шунингдек, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ нафар болани ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ота-онасининг бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга) хоҳишига кўра, иш берувчи ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил беришга мажбурдир***.

* Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6257288>

** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Конунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>

*** Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6257288>

25-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг боқувчиси вафот этганилиги муносабати билан етказилган зиённинг ўрнини қоплаш муддати амалдаги қонунчиликда белгиланганми?



Жавоб: Меҳнат кодексининг 328-моддасида боқувчиси вафот этганилиги муносабати билан етказилган зиённинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш муддати ногиронлиги бўлган шахсларга – ногиронлик муддатига қадар белгиланган*.

26-савол: Ногиронлиги бўлган ходимлар иш фаолияти давомида мажбурий тиббий кўрикдан ўтишлари шартми?



Жавоб: Меҳнат кодексининг 360-моддасига кўра, ногиронлиги бўлган ходимлар дастлабки (меҳнат шартномасини тузा�ётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Ходимлар мажбурий тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштиришга ҳақли**.

27-савол: Ногиронлиги бўлган боланинг ота-онаси тунги ишларга, дам олиш ва байрам кунларидағи ишларга жалб қилиниши, шунингдек хизмат сафарига юборилиши мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 396-моддасига мувофиқ ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг

* Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6257288>

** Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6257288>



ота-онасидан бири (ота-онасининг ўрнини босувчи шахс) тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидағи ва ишланмайдыган байрам кунларидағи ишларга жалб қилиниши, шунингдек хизмат сафарига факт үларнинг ёзма розилиги асосида юборилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда иш берувчи үларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидағи ва ишланмайдыган байрам кунларидағи ишларга жалб қилиши, шунингдек, хизмат сафарига юбориши мумкин эмас*.

28-савол: Ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-онала-рига қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Мехнат кодексининг 398-моддасига кўра, иш берувчи ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бирининг (ота-она ўрнини босувчи шахснинг), шунингдек оиласнинг бетоб аъзосини парваришланши амалга ошираётган шахснинг илтимосига биноан, тўлиқсиз иш вақти белгилаши шарт**.

29-савол: Ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасига қўшимча дам олиш куни берилиши мумкинми?



Жавоб: Албатта, ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ота-онадан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ойига қўшимча бир дам олиш куни берилиб, давлат ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида

* Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Конунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>.

** Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6257288>.

нафақа тўланади. Ушбу имтиёз Мехнат кодексининг 399-моддасида белгиланган*.

30-савол: Ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ёлғиз ота (она), шунингдек, бева эркак (аёл)лар ва бошқа тоифадаги ходимлар йиллик меҳнат таътилларини қандай вақтда олишлари мумкин?



Жавоб: Мехнат кодексининг 400-моддасига мувофиқ ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ёлғиз ота (она)га, шунингдек, бева эркак (бева аёл)га, никоҳдан ажрашганларга, ёлғиз оналар бўлмиш ходимлар ҳар йилги меҳнат таътилини ўз хоҳишларига кўра, ўзлари учун қулай бўлган вақтда олишлари мумкин**.

31-савол: Ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасига ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилиши мумкинми?



Жавоб: Ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили давомийлиги камида тўрт календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексиниг 401-моддасида белгиланган***.

32-савол: Ногиронлиги бўлган боланинг ота-онаси иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олишга ҳақлими?

Жавоб: Мехнат кодексиниг 402-моддасига кўра, ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирининг

* Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6257288>

** Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>

*** Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6257288>.



(ота-она ўрнини босувчи шахснинг) хоҳишига кўра, ҳар йили унинг иш ҳақи сақланмаган ҳолда давомийлиги ўн тўрт календар кунгача бўлган таътил берилиши мумкин*.



33-савол: Ногиронлиги бўлган ходимлар хизмат сафарига юборилиши, тунги ишларга, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларга жалб этилиши мумкинми?



Жавоб: Меҳнат кодексининг 428-моддасига кўра, ногиронлиги бўлган ходимларни хизмат сафарига юборишга, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ҳамда дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилишга фақат уларнинг розилиги билан, агар ушбу ходимлар учун бундай ишлар тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси тавсияларида тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади**.



34-савол: Ногиронлиги бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қандай тартибда амалга оширилади?



Жавоб: I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган ходимларнинг қисқартирилган меҳнатига ҳақ тўлаш Меҳнат кодексининг 431-моддасига кўра, тегишли касб ва лавозимлардаги ходимларга тўланадиган иш вақти давомийлигидаги миқдорда тўлиқ амалга оширилади***.

* Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6257288>

** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Конунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>

*** Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6257288>

35-савол: Ходимларни вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтказишда устуворлик ногиронлиги бўлган ходимларга ҳам тааллуқлами?



Жавоб: Меҳнат кодексининг 458-моддасидага кўра, табиий ёки техноген хусусиятга эга ҳалокатлар, ишлаб чиқаришдаги авариялар, бахтсиз ҳодисалар, шунингдек, ёнғинлар, тошқинлар, зилзилалар, эпидемиялар ёки эпизоотия ҳолатлари рўй берган тақдирда, шу жойдаги аҳолининг ҳаётига ёки нормал яшаш шароитларига таҳдид соладиган бошқа алоҳида ҳолларда иш берувчидаги гишили техник ва ташкилий имкониятлар мавжуд бўлганда вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтиш ёки ўтказиш учун устувор ҳуқуқ бериладиган ходимларнинг тоифаларига ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан оиланинг ўзгалар парваришига муҳтож бўлган bemor аъзоларини парваришаётган ходимлар ҳам киритилади*.

36-савол: Меҳнатда майиб бўлган ногиронлиги бўлган шахсларга етказилган зиённинг ўрни ойлик қанча миқдорда қопланади?



Жавоб: Меҳнат кодексининг 324-моддасига мувофиқ бундай зиённинг ўрнини қоплашга оид ойлик тўловни амалга оширишда жабрланувчи оладиган иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди. Бунда меҳнатда майиб бўлган жабрланганларга – ногиронлиги бўлган шахсларга етказилган зиённинг ўрнини қоплаш суммаси қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг эллик фоизидан (2025 йил 1 август ҳолатида 635.500 сўмдан) кам бўлмаслиги керак**.

* Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6257288>

** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>



**IV боб. НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН
ШАХСЛАРНИНГ
ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ**





37-савол: Ногиронлик пенсияси кимларга ва қандай тартибда тайинланади?



Жавоб: Ногиронлик пенсияси қонунчиликда белгиланган тартибда I ва II гурұх ногиронлиги бўлган шахсларга, шунингдек, Чернобиль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гурұх ногиронлиги бўлган шахсларга тайинланади*.

Бундай турдаги пенсияни тайинлаш масаласида шахс яаш жойидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига:

- ишлаётганлар ўзларининг ташкилотлари орқали;
- ишламайдиган фуқаролар эса аризани ўзлари яаш жойидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига топширадилар**.



38-савол: Ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг парвариши билан банд бўлган ота-оналарга нафақа қандай тартибда тайинланади?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган болаларга ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга нафақалар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда тайинланади. Нафақалар нафақа олувчининг хоҳишига кўра нафақани етказиб бериш (топшириш) ваколати

рекомендацияларни тайинлашади. Нафақалар нафақа олувчининг хоҳишига кўра нафақани етказиб бериш (топшириш) ваколати

* “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 938-XII-сон Қонуни. 03.09.1993 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/112314>

** “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5852486>

юкланган ташкилот ёки фуқароларнинг депозит ҳисобварақларига пул ўтказиш йўли билан банк филиали орқали амалга оширилади*.

39-савол: Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган ногиронлиги бўлган шахсларга қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар ҳар йили санаторий-курортларга бепул йўлланмалар билан таъминланади. Бунда бепул йўлланмалар ишлаётган пенсия ёшидаги шахслар иш жойи бўйича Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан, ишламаётганлар учун эса бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари орқали давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Шунингдек, уларга соғломлашириш учун ҳар йили бир йўла:

- I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга – базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдорида;
- 3-гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга – базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида моддий ёрдам тўлаб берилади**.

* “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва моддий ёрдамларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартағи 119-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6411319>

** “Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 30.05.2002 йил 30 майдаги 188-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/266659>



40-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар темир йўл транспортида бепул юриш ҳуқуқига эгами?



Жавоб: Қўйидаги тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларга темир йўл транспортида йилига бир марта бепул юриш ҳуқуқи (бориш ва келишга) берилади:

- Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Шон-шуҳрат орденининг учта даражаси билан тақдирланган шахслар;
- ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан 1 ва 2-гуруҳ уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- Чернобиль АЭСдаги аварияни бартараф этувчилари-ногиронлиги бўлган шахслар;
- ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек уларни кузатувчи шахс.

Шунингдек, темир йўл транспортида чиптанинг тўлиқ қийматидан эллик фоиз чегирмалар билан йилига бир марта юриш ҳуқуқи (бориш ва келишга) талонларга алмаштириш ва гувоҳнома тақдим этиш бўйича қўйидагиларга берилган:

- 3-гуруҳ уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахсларга;
- уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга*.



41-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олган реабилитация воситаларининг ўрни қоплаб бериладими?

Жавоб: Ногиронлиги бўлган шахс ўз маблағлари ҳисобига сотиб олган уларни реабилитация қилишининг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган

* “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, бағаж ва юқ бағаж ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси: <https://lex.uz/docs/2001187>



хизматлар қиймати унга (ёки унинг қонуний вакилига) пул шаклида компенсация тарзида тўлаб берилади. Бунда ногиронлиги бўлган шахстомонидан сотиб олинган реабилитация техник воситалари ёки уларга кўрсатилган хизматлар компенсация қилинади:

- кресло-аравачалар;
- кичик габаритли аравачалар;
- эшитиш мосламалари;
- ҳассалар ва қўлтиқтаёклар;
- реабилитация техник воситасини жорий таъмирлаш харажатлари*.



42-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларни интернат уйларига жойлаштириш тартиби қандай?



Жавоб: “Мурувват” интернат уйлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли ёки анча сезиларли нуқсонлар бор бўлган, 18 ёшидан бошлаб I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатадиган давлат тиббий-ижтимоий муассасалари ҳисобланади.

Кўйидаги ташхислар билан васийликка олинганлар “Мурувват” интернат уйларига қабул қилинади:

- мўътадил даражадаги ақлий заифлик;
- оғир даражадаги ақлий заифлик;
- чўқур даражадаги ақлий заифлик;
- қолдиқ шизофрения;
- деменция.

* “Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 166-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/1489597>

“Мурувват” интернат уйларига жойлаштириш Агентликнинг Ва-сийлика олинувчиларни тиббий-ижтимоий муассасаларга юбориш, шунингдек биридан иккинчисига ўтказиш бўйича доимий фаолият юритувчи маҳсус комиссияси қарорига мувофиқ ҳудудий бошқарма бошлигининг бўйруғи асосида амалга оширилади*.



43-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар ўз шахсий автомобилига бензин ёнилғисини сотиб олганлиги учун пул маблағлари тўланадими?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, енгил автомобиль, мото-аравача ёки мотоциклга эга бўлган ва улардан фойдаланадиган I ва II гурӯҳ болаликдан ногиронлиги бўлганлар, уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, меҳнатда майиб бўлиш ва касб касаллиги туфайли I ва II гурӯҳ ногиронларига автомобиль бензини сотиб олиш учун ойлик пул компенсациялари тўланади.

Бунда ойлик пул компенсацияси тўлови суммасининг миқдори жисмоний шахслардан ёнилғи истеъмоли учун олинадиган солик ҳисобга олинмаган ҳолда чакана савдодаги автомобиль бензини муайян маркасининг ўртacha сотиш нархидан келиб чиқиб, йигирма литр автомобиль бензини қиймати миқдорида белгиланади**.



44-савол: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида истиқомат қилаётган ногиронлиги бўлган шахсларга темир йўл ва авиа чипталар сотиб олишда қандай имтиёзлар белгиланган?

* “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги айрим тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини тартибга солувчи низомларни тасдиқлаш ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 575-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллый базаси: <https://lex.uz/docs/5639091>

** “Автомобиль бензини сотиб олиш бўйича илгари берилган имтиёзлар ўрнига шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсациялари тўловларини жорий этиш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 октябрдаги 223-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллый базаси: <https://lex.uz/docs/1076015>



Жавоб: Қарақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар учун темир йўл ва авиа чипталарини сотиш 50 фоизлик имтиёзли тарифлар бўйича амалга оширилади*.



45-савол: Кўзи ожиз ногирон шахслар шаҳар йўловчи транспортида бепул юриш ҳуқуқига эгами?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган кўзи ожиз шахслар ва уларга сафарларда ҳамроҳлик қилувчи кишилар шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга**.



46-савол: Ногиронлиги бўлган уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари учун қонунчиликда қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: І гурӯҳ ногиронлиги бўлган уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари ўзлари учун мақбул муддатларда йилига бир марта Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллӣ агентлиги ва Ўзбекистон Касаба ўюшмалари Федерацииси Кенгashi ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари санаторийларида ўн икки кунлик соғломлаштириш курсидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, уларнинг бир нафар кузатувчи шахси ҳам қўшимча текин йўлланма олиш ҳуқуқига эга.

* “Қарақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузималарни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 августдаги ПФ-213-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси: <https://lex.uz/docs/6181114>

** “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишини тартибиға солиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги ЎРҚ-278-1-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси: <https://lex.uz/docs/39646>

Шунингдек, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва кўзи ожиз I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсни кузатиб борувчи шахсга даволаниш учун йўлланмалар фақат ДХМ ёки ЯИДХП (my.gov.uz)га ариза бериш орқали амалга оширилади. Давлат хизматлари кўрсатилгани учун йиғим ундирилмайди. Уларга йўлланмалар икки йилда бир ма-ротаба навбат асосида тақдим этилади*.



47-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жой коммунал хизматларини тўлаш учун компенсация бериладими?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ фақат 1941–1945 йиллардаги уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар ва унинг қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар, кўриш қобилияти бўйича I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жой коммунал хизматларини тўлаш учун компенсация берилади. Бунда, жумладан: 1941–1945 йиллардаги уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 50 фоизи миқдорида; кўриш қобилияти бўйича I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 45 фоизи миқдорида тўлаб берилади**.



48-савол: Ташиқи меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқаролар билан бирга истиқомат қилиб келган I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган оила аъзоларига қандай имтиёзлар берилган?

* “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фаҳрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 13 октябрдаги ПФ–4658-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 декабрдаги 361-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/2529674>

** “Уй-жой коммунал хизматлар ҳакини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 30 ноябрдаги бўйруғи (рўйхат рақами 2175). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/1723755>



Жавоб: Маҳаллада тадбиркорликни ри-вожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчиларининг ёзма тавсияномасига асосан меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатда бўлган ёки “Камбағал оиласар реестри” ахборот модулига ёхуд “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”дан бирига киритилган, ногиронлиги бўлган оила аъзоларига дори-дармон, ногиронлик аравачалари, эшитиш аппаратлари ва ортопедик маҳсулотлар харид қилиш учун базавий ҳисоблаш микдорининг 5 баравари микдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг пенсия ёшига етган ёки I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган оила аъзоларига Касаба ўюшмалари тизимидағи санаторий ва профилактик даволаниш муассасаларига бир марталик бепул йўлланма берилади*.



49-савол: Ногиронлиги бор болаларни “Мурувват” болалар интернат уйларига жойлаштириши тартиби қандай?



Жавоб: “Мурувват” болалар интернат уйлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли нуқсонлар бор бўлган, 4 ёшдан 18 ёшгacha ногиронлиги бўлган болалар учун тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатадиган давлат муассасалари ҳисобланади. Қўйидаги ташхислар билан васийликка олингандар “Мурувват” болалар интернат уйларига қабул қилинади:

- мўътадил даражадаги ақлий заифлик;
- оғир даражадаги ақлий заифлик;

* “Хориқда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-149-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси: <https://lex.uz/docs/5893253>

- чүкүр даражадаги ақлий заифлик;
- болаларни ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга қабул қилишга тұсқынлик қылувчи гемипарез, парапарез ва тетрапарез асоратлари бўлган мўътадил даражадаги ақлий заиф болалар церебрал фалажлиги;
- интеллектнинг қўпол бузилишига олиб келган болалар шизофренияси;
- деменция.

“Мурувват” болалар интернат уйларига жойлаштириш Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи маҳсус комиссияси қарорига мувофиқ ҳудудий бошқарма бошлиғининг буйруғи асосида амалга оширилади*.



50-савол: Ногиронлиги бўлган болаларга қандай нафақа тўланади?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар ёки уларнинг қонуний вакиллари ногиронлик нафақасини олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ногиронлиги бўлган болаларга нафақа ваколатли орган томонидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига юборилган электрон маълумотлар асосида “проактив шакл”да (алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда) тайинланади**.



51-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган боланинг қонуний вакилига ҳам нафақа тўланадими?

* “Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳимоя соҳасидаги айрим тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини тартибга солувчи низомларни тасдиқлаш ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 575-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5639091>

** “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва моддий ёрдамларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 марта даги 119-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6411319>



Жавоб: 34 хил касалликка чалинган ва ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг қонуний вакилига парваришлаш нафақаси тўланади. Парваришлаш нафақаси қонуний вакилга у пенсия ёки нафақа олишидан қатъи назар, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган ҳар бир 18 ёшгача боланинг парвариши учун алоҳида тайинланади*. Касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонининг иловасида белгиланган**.



52-савол: Автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларида ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёзлар мавжудми?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун бозорлар, савдо мажмӯалари ва бошқа обьектлар ҳудудларидағи автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойларининг кириш ва чиқиш қулагай бўлган қисмида уларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойлари ташкил этилади. Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ “5.15. “Тўхтаб туриш жойи” ва “7.17. “Ногиронлар” йўл белгилари ўрнатилган бўлиши лозим***. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари

* ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартағи 119-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6411319>

** “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 февралдаги ПФ-74-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6411319>

*** “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/5953883>

учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди*.



53-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ёрдам пуллари бериладими?



Жавоб: Албатта, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестри юритилади. Ушбу реестрга киритилган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар ойлик уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва шахсий гигиена товарлари харид қилиш учун ҳар ойда қўшимча пул тўловлари ўрнига ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдори (2025 йил 1 август ҳолатида 669 минг сўм)да моддий ёрдам пули тўланади**.



54-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан юритилаётган ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестрга киритилган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга

* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг қарори. (2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3048).

** “Ўзгалар парваришига муҳтоҷ кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 декабрдаги ПҚ-410-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6725077>

ва уларга бевосита ҳамроҳлик қилувчи бир нафар шахсга бир йилда бир марта темир йўл ёки шаҳарлараро автобус учун бепул чипталар (бориш ва қайтиш учун) ажратилади*.



55-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар яна қандай имтиёзларга эга?



Жавоб: I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилган хорижга чиқиши биометрик паспортини расмийлаштириш жараёнида кўрсатилган давлат хизмати учун давлат божи суммасининг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади.

Агар ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг биометрик паспортлари йўқотилган бўлса, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази буюртмаси асосида давлат божи ундирилмаган ҳолда алмаштириб берилади**.

Шунингдек, қонунчилиқда Қорақалпоғистон Республикаси, вилюятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган 1000 нафар шахсга Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш харажатларининг 50 фоизи, аммо 500 минг сўмдан ошмаган қисми Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахслар учун “Uzbekistan travel” ягона миллий туристик ахборот порталидан фойдаланиш имконияти яратилган. Барча ҳудудларда ногиронлиги бўлган болалар учун миллий ҳунармандчилик терапияси фаолияти ташкил этилган. Шунингдек, авиа, темир йўл ҳамда автобус билетларини харид қилиш бўйича онлайн платформаларда эшлиш ва кўриш бўйича

* “Ўзгалар парваришига муҳтоҷ кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиши тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 декабрдаги ПҚ-410-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6725077>

** “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиши биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/4162591>

уларнинг эҳтиёжларига мувофиқ эълонлар учун тактил ҳамда овозли функцияли дисплейлар жорий қилинган*.



56-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг йўқотилган биометрик паспортларини тиклашда имтиёз мавжудми?



Жавоб: “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестри юритилади. Ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг йўқотилган биометрик паспортлари “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази буортмаси асосида давлат божи ундирилмаган ҳолда алмаштириб берилади**.



57-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида уларнинг хонадонида сайёр давлат хизматлари ўtkазилиши мумкини?



Жавоб: Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш даражаси ва сифатини янада ошириш, уларга қулайлик яратиш мақсадида давлат хизматлари марказлари томонидан маҳаллаларда сайёр қабуллар (хизмат кўрсатиш) ўтказилиши мумкин***.

* “Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги ПҚ-20-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/uz/docs/6759699>

** “Ўзгалар парваришига муҳтоҷ кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 декабрдаги ПҚ-410-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6725077>

*** “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаолигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 816-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/4532381>

58-савол: Меҳмонхоналарда ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайликлар яратган мулкдорларга қонунчиликда қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: 2024 йил 1 апрелдан 2026 йил 1 апрелга қадар меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлар меҳмонхонанинг камидаги 3 та хонасини ногиронлиги бўлган шахслар ўриндикили аравачадан фойдаланиши учун қулай тарзда жиҳозлласа, шунингдек, эшитиши ва кўриши учун дисплей ҳамда овозли қурилмалар ўрнатса, уларга ҳар бир маҳсус жиҳозланган хона учун қуйидаги миқдорларда субсидия ажратилиши белгиланган:

- юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарга – 2 миллион сўм;
- юлдузли тоифа олмаган меҳмонхоналарга – 1 миллион сўм*.

59-савол: Автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириши билан боғлиқ харажатлар қоплаб бериладими?



Жавоб: I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахсий автотранспорт воситалари учун газ ва тормоз педалини қўл бошқарувига ўтказиш ҳамда механик узатиш қутисини автомат узатиш қутиси этиб қайта жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлари давлат томонидан қоплаб берилади. Бунинг учун I гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахс автотранспорт воситасини ўз эҳтиёжларига мослаштирган вақтдан эътиборан 90 кун ичida “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига бевосита борган ҳолда ёки “Ягона” миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали

* “Ўзбекистон Республикасида тўсиксиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги ПҚ-20-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/uz/docs/6759699>

электрон тарзда мурожаат қилиши лозим*. Бунда давлат хизматлари бепул күрсатилади**.



60-савол: Ўзгалар парваришига мұхтож ногиронлиги бўлган шахсларга қандай турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади?



Жавоб: 2025 йил 1 июндан бошлаб ўзгалар парваришига мұхтож ногиронлиги бўлган шахслар учун қўйидаги З турдаги янги ижтимоий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган:

- уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати;
- Тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати;
- шахсий ёрдамчи хизмати***.



61-савол: Ўзгалар парваришига мұхтож ногиронлиги бўлган шахслар юқоридаги З турдаги ижтимоий хизматлардан фойдаланиши учун қаерга мурожаат қилиши лозим?



Жавоб: Ўзгалар парваришига мұхтож ногиронлиги бўлган шахсларга “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида белгиланган ижтимоий хизматлардан фойдаланиши учун уларга ваучер тақдим этилади. Бунда ижти-

* “Автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурӣ регламентини тасдиқлаш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 377-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7580715>

** “Давлат хизматлари ягона реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг бўйруғи. 2025 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3467-5.

*** “Ўзгалар парваришига мұхтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 майдаги ПҚ-171-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/7516927>

моий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахс ёки унинг вакили “Инсон” марказига ўзи келган ҳолда ёки ўзи яшайдиган ҳудудда фаолият юритувчи “Инсон” марказининг ижтимоий ходимига ёхуд Яона интерактив давлат хизматлари портали ёки “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали мурожаат қилиши лозим*.

62-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш доирасида қандай ижтимоий хизматлар кўрсатилиади?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестрига киритилган ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкааллари бўйича 0 баллдан 116 баллгacha бўлган 18 ва ундан катта ёшдаги шахсларга кўрсатилиши лозим бўлган уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати таркибига қўйидаги ижтимоий хизматлар киради:

- майший юмушларда кўмаклашиш (овқат тайёрлаш, супуриши-йиғишириш, кийим-кечакларни ювиш, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини уйга етказиб бериш);
- гигиена тадбирларини амалга ошириш;
- тиббиёт ва спорт муассасаларига ҳамроҳлик хизматини кўрсатиш;
- тъюторлик (шахсни ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш, гаджетлардан мустақил фойдаланишга, шу жумладан, электрон китоблар ва сўнгги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎЭР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7581160>

билин танишиш, онлайн давлат хизматларидан фойдаланиш ва бошқаларга ўргатиш)*.



63-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати доирасида қандай хизматлар кўрсатилади?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестрига киритилган ҳамда ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 62 баллгача бўлган 18 ва ундан катта ёшдаги шахсларга кўрсатилиши лозим бўлган тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати таркибига қўйидаги ижтимоий хизматлар киради:

- шахсларнинг йўқотилган функционал имкониятлари ва ҳаракат фаоллигини қайта тиклаш;
- жисмоний фаоллик йўқотилиши билан ривожланиш хавфи юқори бўлган асоратли касалланиш ҳолатларининг олдини олиш ва оила аъзоларини парвариш кўникмаларига ўргатиш.
- шифокор томонидан қўшимча реабилитация тадбирлари белгилаш орқали ёрдам кўрсатиш**.



64-савол: Қайси тоифадаги ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга шахсий ёрдамчи хизмати доирасида ижтимоий хизматлар кўрсатилади?

Жавоб: Кўзи ожизлик бўйича I груп ногиронлиги биринчи маротаба белгиланган шахслар ногиронлик белгиланган вақтдан

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июнядаги 376-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7581160>

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июнядаги 376-сон қарори. Қонунчиллик маълумотлари миллӣ базаси: <https://lex.uz/docs/7581160>



бошлаб 6 ойдан кўп бўлмаган ҳамда биринчи марта аравачадан фойдаланиш белгиланган шахс, биринчи марта аравачадан фойдаланиш белгиланган вақтдан бошлаб 6 ойдан кўп бўлмаган муддатда мурожаат қилганда ушбу тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларга шахсий ёрдамчи хизмати доирасида ижтимоий хизматлар кўрсатилади*.

65-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга шахсий ёрдамчи хизмати доирасида қандай ижтимоий хизматлар кўрсатилади?



Жавоб: Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилиши лозим бўлган шахсий ёрдамчи хизмати таркибига қуйидаги ижтимоий хизматлар киради:

- меҳнат қилиш ёки таълим олиш жойларига бориш ва келишда ҳамроҳлик қилиш;
- зарур маълумотларни топишда, сурдотаржимон бириктиришда, Брайл алифбосини ўрганишини ташкил қилишда кўмаклашиш;
- ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш;
- хизматлардан ва тегишли имтиёзлардан фойдаланишда ёрдам кўрсатиш;
- мустақил ҳаракатланиши учун яшаш жойи, иш ўрнини ва таълим олиш жойини мослаштиришни ташкил этиш**.

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/7581160>

** Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/7581160>



**V боб. НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН
ШАХСЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ
ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ**





66-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш кафолатлари қандай белгиланган?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган шахслар барча даражалардаги таълим муассасаларида таълим олиш ва ўз қобилиятини янада тўлиқроқ ривожлантириш ҳамда жамият ва давлат ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мактабдан ташқари таълими болалар, ўсмирлар ижодиёт саройлари, уйлари, клублари ва марказларида, “Баркамол авлод” болалар спорт, мусиқа ва санъат мактабларида ҳамда соғломлаштириш муассасаларида амалга оширилади. Ногиронлиги бўлган шахслар олий таълимдан кейинги таълимни олий таълим ва илмий муассасаларда олишлари мумкин*.



67-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган шахслар учун олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонини 2 фоизи миқдорида қўшимча қабул квотаси ажратилиши белгиланган. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча квота асосида олий таълим муассасаларига қабул қилиш кириш имтиҳонлари натижалари бўйича амалга оширилади. Улар учун ажратилган қўшимча квоталар бўйича ўқишга қабул қилинмаган абитуриентлар тўплаган баллари билан таълимнинг ушбу йўналиши бўйича танловда умумий асосларда иштирок этади**.

* 1. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги ЎРҚ-641-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5049511>

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

** “Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги 417-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3765153>

68-савол: Ногиронлиги бўлган ёшларнинг ўқиш харажатлари давлат томонидан қоплаб бериладими?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс, ногиронлиги бўлган ёшларнинг (ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ўшга тўлмаган) ўқиш харажатлари учун субсидия ажратилади*. Субсидия ногиронлиги бўлган ёшларга нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунар ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти ҳамда умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш учун ажратилади. Ўқиш харажатлари учун бир нафар ариза берувчига ҳар ойда ажратиладиган субсидия миқдори:

- касб-хунарга ўргатиш, касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти учун БХМнинг беш бараваридан;
- умумтаълим фанлари учун БХМнинг уч бараваридан;
- хорижий тилларни ўргатиш учун БХМнинг уч бараваридан кўп бўлмаслиги лозим.

Бунда ариза берувчига фақат бир турдаги ўқув курсида 12 ойдан ошмаган муддатда ўқиш учун субсидия ажратилади.

Муқаддам ҳудудий ёки туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағлари ҳисобидан ўқув курсларида ўқиш харажатлари учун субсидия ажратилган ариза берувчиларга Регламентга мувофиқ ўқиш, яшаш ва транспорт харажатлари учун субсидия ажратилмайди, олий таълим муассасасидаги ўқиши учун тўлов-контракт суммаси тўлаб берилган талабалар бундан мустасно**.

* “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлиги га кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ-57-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5789981>

** “Ногиронлиги бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”. ЎЭР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июндаги 341-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6076304>



69-савол: Ногиронлиги бўлган ёшларнинг яшаш ва транспорт харажатлари учун давлат томонидан субсидия ажратиладими?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган ёшларга уларнинг нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунар ўрганиши, уларда касбий кўникмаларнинг шакллантирилиши, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўрганиши даврида яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилади*. Транспорт харажатлари учун ажратиладиган субсидия миқдори, ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,2 фоизидан, яшаш харажатлари учун бир суткада ижарада яшаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизидан ошмаслиги лозим. Муқаддам ҳудудий “Ёшлил дафтари” жамғармалари маблағлари ҳисобидан ўқув курсларида ўқиш харажатлари учун субсидия ажратилган ариза берувчиларга белгиланган Регламентга мувофиқ ўқиш, яшаш ва транспорт харажатлари учун субсидия ажратилмайди, олий таълим муассасаларидағи ўқиши учун тўлов-контракт суммаси тўлаб берилган талабалар бундан мустасно**.



70-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириши ва боғча тўловларини тўлашда имтиёзлар мавжудми?

Жавоб: Давлат боғчаларига 3 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар қабул қилинадилар. Хусусий боғчаларга қабул қилиш ёши ва тартиби ушбу боғчалар томонидан мустақил белгиланади. I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг болаларини боғчага

* “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлиги-га кўмаклашиб ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ-57-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5789981>

** “Ногиронлиги бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурӣ регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июндаги 341-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6076304>



жойлаштиришда имтиёз берилган шахслар рўйхатига киритилган. Болаларни имтиёзли рўйхат бўйича қабул қилиш давлат-хусусий шерикликка асосланган нодавлат мактабгача таълим муассасаларига татбиқ этилмайди*.

Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар умумий сонининг 15 фоизи доирасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган ёки “Камбағал оиласалар реестри” ахборот модули орқали камбағал деб эътироф этилган оиласалар фарзандлари тўловдан озод қилинади. Бунда, биринчи навбатда ота-оналаридан бири ёки ҳар икки оиласига ҳам ногиронликнинг I ёхуд II гурӯҳи белгиланган кам таъминланган ёки камбағал оила фарзандларига, шунингдек ўртacha ойлик даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган ёки камбағал оила фарзандларига имтиёз берилади**.

71-савол: Ногиронлиги бўлган талабаларни талабалар турар жойларига жойлаштиришда имтиёз мавжудми?



Жавоб: Ҳозирда барча курс талабалари учун давлат олий таълим муассасалари талабалар турар жойига жойлашиш онлайн шаклда амалга оширилади. Талабалар турар жойига жойлашиш учун ариза бериш 1 августдан бошлаб ўқув йили якунига қадар давом этади ва бунда I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган талабалар имтиёзли рўйхатга киритилади ва устуворлик асосида талабалар турар жойларига жойлаштирилади***.

* “Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурӣ регламентини тасдиқлаш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартағи 244-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3603405>

** “Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2821).

*** “Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизими ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 376-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6568679>




72-савол: Олий таълим мұассасаларига ҳужжатларни қабул қилиш бүйича күрсатилған давлат хизматлари учун ундириладиган түловдан ногиронлиги бўлган шахслар озод этилганми?



Жавоб: Тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим мұассасаларини тугатган абитуриентлардан тест синовларида иштирок этиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида түлов ундирилади. Бундай түловдан ногиронлиги бўлган шахслар озод этилган*.



73-савол: Ногиронлиги бўлган болаларга уйда якка тартибда таълим бериш мумкинми?



Жавоб: Уйда якка тартибда таълим олиш жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож доимий ёки вақтинча умумий ўрта таълим ташкилотлари ҳамда давлат ихтисослаштирилган таълим мұассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар)га қатнай олмайдиган болалар учун ташкил этилади**. Ўқувчиларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида мактабнинг тегишли синифда ўқиётган болалардан 2 ёшга ошган ўқувчиларни ҳам ушбу синфда уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилишга руҳсат этилади***.

* “Олий таълим мұассасаларига ўқишига кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бүйича давлат хизматларини күрсатишнин маъмурый регламентини тасдиқлаш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 468-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4368106>

** “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5044711>

*** “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 638-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5679836>



74-савол: Ногиронлиги бўлган талабаларга стипендиялар қандай тартибда тўланади?

Жавоб: Олий таълим муассасаларида I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган, жумладан, тўлов-контракт асосида таълим олувчи талабаларга стипендия тўловлари республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Аввалги ўқув семестри якуни бўйича фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларидан қатъи назар, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган талабаларга стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (oshiirlgan) миқдорда стипендия тайинланади ва тўланади*.



* “Олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”. ЎЭР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарори.
<https://lex.uz/docs/4725554>



**VI 606. НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН
ШАХСЛАР УЧУН ДАВЛАТ
ТОМОНИДАН ТИББИЙ ЁРДАМ
КҮРСАТИШ КАФОЛАТЛАРИ**

75-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар ихтинослаштирилган тиббий ёрдам олиши мумкинми?



Жавоб: Имтиёзли тоифага кирадиган беморлар, ногиронлиги бўлган шахсларга ихтинослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади. Ихтинослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасага bemorni жойлаштириш қўйидаги усувларда амалга оширилади:

- йўлланма бўйича – бунда даволаш ва парваришлар белуп амалга оширилади;
- ҳақ эвазига тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш йўли билан.

Бунинг учун ногиронлиги бўлган шахслар йўлланма олиш учун яшаш жойи бўйича қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ ва шаҳар оиласиий поликлиникаларга мурожаат қилишлари лозим*.

76-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг касалхоналарда даволаниши ва овқатланиши билан боғлиқ жатлар бўйича қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Тиббиёт ташкилотларида давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам: туман (шаҳар) даражасида (пуллик ташкилотлар, бўлим ва палаталар бундан мустасно) – аҳолининг барча тоифаларига; вилоят (Тошкент шаҳри) ва республика дараҷаларида (пуллик ташкилотлар, бўлим ва палаталар бундан мустасно) – мижозларнинг имтиёзли тоифаларига кўрсатилади. Бунда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар ва Чернобил АЭСдаги аварияни бартараф этишда ногирон бўлган шахсларга вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида белуп ёр-

* “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 696-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3333284>

дам кўрсатилади. Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмидан ташқари тиббий ва бошқа ёрдамлар ҳақи мижоз томонидан белгиланган тартибда тўланади*.

Шунингдек, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар, 1941–1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар ва Чернобиль АЭСи фалокатини тугатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлиги бўлган шахсларга Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида бепул ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, улар даволаниш даврида овқатланиш учун ҳақ тўлашдан озод этилган**.

77-савол: Ногиронлиги бўлган шахслар бепул дори-дормонлар билан таъминланадими?



Жавоб: 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар ва Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногиронлиги бўлган шахсларнинг айrim тоифаларининг даволаниши учун дори воситалари билан имтиёзли таъминланиши белгиланган. Беморларга дори воситаларини имтиёзли бериш улар даволанадиган амбулатория-поликлиника муассасаси бўйича бепул берилади. Имтиёзли тарзда таъминланадиган дори воситаларининг рўйхати қонунчиликда белгиланган бўлиб, рецепт асосида бериладиган дори воситалари даволашнинг бир курсидан ортиқ бўлмаган миқдорга ёзилади. Рецепт берилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида ҳақиқий ҳисобланади***.


* ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 696-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3333284>

** „Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида“. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдағи 31-сон қарори. <https://lex.uz/docs/2898879>

*** „Шахсларнинг айrim тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июнядаги 204-сон қарори. <https://lex.uz/docs/2211626>



**VII бөб. НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН
ШАХСЛАРНИ ЖИНОЙЙ
ЖАЗОГА ТОРТИШ ВА
УЛАР ЖАЗОНИ ЎТАШИДА
ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН
ИМТИЁЗЛАР**





78-савол: Жиноят содир этган ногиронлиги бўлган шахслар мажбурий жамоат ишларига жалб қилиниши мумкинми?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига кўра, мажбурий жамоат ишлари I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан қўлланилмайди*.



79-савол: Ногиронлиги бўлган маҳкумлар посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиши мумкинми?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига мувофиқ, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони ижро этиш муассасасига етиб келган кундан бошлаб посилка, йўқлов ва бандерол олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин.

Битта посилка ёки бандеролнинг оғирлиги почта қоидаларида белгилаб қўйилган нормадан, йўқловнинг оғирлиги эса посилканинг белгиланган вазнидан ошиб кетиши мумкин эмас. Ҳукм қилинган биринчи ёки иккинчи гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга белгиланган тартибда қўшимча посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олишига рухсат этилади**.



80-савол: Ногиронлиги бўлган маҳкумларга бериладиган овқат меъёри белгиланганми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 85-моддасига мувофиқ, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга организмнинг энергияга ва озуқавий модда-

* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/111453>

** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/163629>



ларга бўлган физиологик эҳтиёжини таъминлайдиган овқат қонунчилиқда белгиланган тартибда республика бюджети ҳисобидан берилади, бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётгандар мустасно. Овқат нормаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси томонидан маҳкумларнинг соғлиғи ҳолатига, уларнинг ёши, бажараётган ишининг хусусияти ва оғирлигига қараб белгиланади. Маҳкумларга уларни ишга жалб этган корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қўшимча овқат берилиши мумкин. Маҳкум ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, вояга етмаганларга, шунингдек I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган овқат оширилган нормаларда белгиланади. Тиббий хулоса асосида уларга қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олишга рухсат этилиши мумкин*.



81-савол: Озодликдан маҳрум этилган ногиронлиги бўлган маҳкумларни меҳнатга жалб этиш мумкини?



Жавоб: Жиноят-ижроия кодексининг 88-моддасига кўра, маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад – уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиришдан иборат. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, одатда, жазони ижро этиш муассасалари ва корхоналарида, айрим ҳолларда эса, белгиланган тартибда бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилади. I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган маҳкумлар меҳнатга ўз хоҳишлирага кўра жалб этилиши белгиланган**.

* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/163629>

** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/163629>



82-савол: Озодликдан маҳрум этилган ногиронлиги бўлган маҳкумларни умумий ўрта таълимга мажбурий тартибда жалб қилиш мумкинми?

Жавоб: Жиноят-ижроия кодексининг 100-моддасида жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта таълими ташкил этилиши белгиланган. Муассаса маъмурияти маҳкумларга улар таълим олиши ва мустақил таълим олиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда зарур шароитлар яратади. Ёши ўттииздан ошган маҳкумлар, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар ўз хоҳишларига кўра таълим олишга жалб этиладилар*.

* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/163629>



83-савол: Ногиронлиги бўлган болалари бор аёлларга муассаса доирасидан четга чиқишга руҳсат бериладими?



Жавоб: Жиноят-ижроия кодексининг 88-моддасига мувофиқ, мактабгача ёшдаги болалари бор маҳкума аёлларга болаларини қариндошлариникига, васийлариникига ёки болалар муассасаларига жойлаштириб келиш учун бориш-келиш вақтини (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда ўн беш суткагача муддатга четга чиқишга руҳсат этилиши мумкин. Вояга етмаган ногиронлиги бўлган болалари бор аёлларга бир йилда бир марта улар билан учрашиш учун йўлга кетадиган вақтни ҳисобга олмаган ҳолда етти суткагача бўлган муддатга чиқишга руҳсат этилади*.

* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллый базаси: <https://lex.uz/docs/163629>



**VIII бөб. ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА
МУХТОЖ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ
ҲУҚУҚЛАРИ**



84-савол: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хотин-қизларнинг ҳуқуқларининг кафолатлари нималардан иборат?



Жавоб: Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқларидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди.

Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча үсуllар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгилangan муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи таъминланади.

Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотларга мурожаат этишга ҳақли.

Ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга*.



85-савол: Гендер тенглик дегандага нима тушунилади ва қандай ҳоллар хотин-қизларни жинс бўйича камситиш деб эътироф этилмайди?

Жавоб: Гендер тенглик хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида,

* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6445145>



шу жумладан сиёsat, иқтисодиёт, ҳуқук, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида тенглигининг таъминланиши ҳисобланади.

Қўйидагилар жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди:

- бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш вазифалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фарқларни белгилаш;
- қонунда белгиланган тартибда муддатли ҳарбий хизматга чақириш;
- “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун асосида гендер сиёsatи амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш;
- хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатини мұхофаза қилишда уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш хусусиятлари;
- мажбуриятлар фақат муайян жинсдаги шахслар томонидан бажарилиши мүмкинлигига асосланган ҳолда касбий мала-кага доир тавсиялар бериш;
- қамоқда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини тартибга солишда фарқларни белгилаш;
- хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган ижобий чоралар*.

* “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон Қонуни.
<https://lex.uz/docs/4494849>



86-савол: Хотин-қизларга нисбатан жисмоний зўравонлик деганда нима тушунилади?

Жавоб: Хотин-қизларга нисбатан жисмоний зўравонлик – бу хотин-қизларга нисбатан турли даражада тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқ-бузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуздан иборат*.

* “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/4494849>

 **87-савол: Хотин-қизларга нисбатан жинсий зўравонлик деганда нима тушунилади?**



Жавоб: Хотин-қизларга нисбатан жинсий зўравонлик деганда хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қилишдан иборат зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш тушунилади*.

 **88-савол: Хотин-қизларга нисбатан руҳий зўравонлик деганда нима тушунилади?**



Жавоб: Хотин-қизларга нисбатан руҳий зўравонлик – бу хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга туҳмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан тазиик ва зўравонлик жабрланувчida ўз хавфсизлиги учун хавотир ўйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушунилади.

* Ўша манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/4494849>



89-савол: Тазийқ ва зўравонлиқдан азият чеккан хотин-қизларга бериладиган ҳимоя ордери нима ва уни олиш учун қаерга мурожаат қилиши лозим?



Жавоб: Ҳимоя ордери бу тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этувчи, уларга тазийқ ўтказаётган ёки зўравонлик содир этган шахсга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат ҳисобланади*.

Жабрланувчи хотин-қизлар (унинг қонуний вакили) ҳимоя ордерини расмийлаштириш мақсадида давлат хизматлари марказига ташриф буюриши ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my.gov.uz) сайти орқали мурожаат этган ҳолда сўровномани мустақил равишда электрон шаклда тўлдиради. Ушбу хабарнома дарҳол ички ишлар органларига юборилади.

Ички ишлар органлари мурожаатларни 24 соат мобайнида ўрганиб, якуни бўйича:

– тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда – ҳимоя ордерини расмийлаштириб топширади;

– ҳимоя ордери берилганлиги тўғрисида зўравонлик содир этган шахсларга жабрланувчининг (унинг қонуний вакилининг) розилиги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек, бошқа тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларни хабардор қиласди;

– тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мурожжатчига уни рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабар юборади.

Ҳимоя ордери ички ишлар органлари томонидан берилади. Ҳимоя ордери ички ишлар органларининг Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизлар ва болаларни ҳисобга олиш ягона ахборот тизими орқали рўйхатга олинади.

* Ўша манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/4494849>

Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ҳимоя ордери амал қилиши даврида хавф бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати жабрланувчи (унинг қонуний вакили)нинг аризасига кўра бир йилгача муддатга жиноят ишлари бўйича суд томонидан узайтирилиши мумкин*.



90-савол: Тазийқ ва зўравонлиқдан азият чеккан хотин-қизлар қандай ҳуқуқларга эга?



Жавоб: Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчи – бу ўзига нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этилиши таҳди迪 остида бўлган ёки тазийқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёлдир.

Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўзига нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳди迪 тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ёхуд судга мурожаат этиш;
- маҳсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологияк, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;
- ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисида мурожаат қилиш;
- содир этилган тазийқ ва зўравонлик натижасида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисида судга мурожаат этиш.

Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади**.

* "Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида". ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4676892>

** "Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида". ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4676892>



91-савол. Ҳимоя ордерида қандай чекловлар белгиланиши мумкин?



Жавоб. Ҳимоя ордерида қуйидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:

- тазийқ үтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;
- тазийқ үтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд уни содир этишга мойил бўлган шахснинг жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш;
- тазийқ үтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчининг ҳамда тазийқ үтказган ва зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахснинг бир хонада ёки транспорт воситасида бирга бўлишини тақиқлаш;
- тазийқ үтказган ва зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахснинг зиммасига жабрланувчини даволаш, уни тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказга жойлаштириш харжатлари, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятларини юклаш;
- зўравонлик содир этган шахснинг қуроли (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини тақиқлаш*.

* “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4676892>.

92-савол: Ҳимоя ордерининг амал қилиши қайси ҳолатларда тугатилади:



Жавоб: Ҳимоя ордерининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- жабрланувчи ҳимоя ордерини тугатишни сўраб мурожаат қилганда;
- ҳимоя ордерида белгиланган муддат (узайтирилган муддат) тугаганда;
- жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсдан бири суд томонидан мўомалага лаёқатсиз деб топилганда;
- содир этган жинояти учун қамоқ эҳтиёт чораси қўлланганда;
- жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахслардан бири содир этган жинояти учун озодлиқдан маҳрум этилганда;
- улардан бири мажбурий даволанишга юборилганда;
- жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларнинг бири доимий яшаш жойидан узоқ муддатга бошка мамлакатга чиқиб кетганда;
- улардан бири вафот этганда*.

93-савол: Хотин-қизларга нисбатан майший зўравонлик содир этган шахсларга қандай жавобгарлик белгиланган?



Жавоб: Қонунчиликда оиласвий (майший) зўравонлик содир этган шахслар маъмурӣ ва жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. Жумладан, Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

* Ўша манба: ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси: <https://lex.uz/docs/4676892>

59²-моддасига кўра*, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргалиқда яшаётган шахсга нисбатан содир этилган хатти-ҳаракат, шунингдек уларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасдан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, башарти жиноят аломатлари бўлмаса, – маъмурӣ жавобгарликка, шундай ҳаракатлари учун маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жиноят кодексининг 126¹-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади**.



94-савол: Хотин-қизлар майший зўравонлик қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида уларга моддий ва маънавий, тиббий-психологик ёрдам бериладими?



Жавоб: Хотин-қизларнинг оилавий турмуш муаммоларини бартараф этишга кўмаклашиш, ҳақ-ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш, уларнинг майший зўравонлик қурбонига айланиб қолишиларининг олдини олиш, ҳаётини қайта йўлга қўйишда моддий ва маънавий, тиббий-психологик ёрдам бериш мақсадида “1146” қисқа рақами “Ишонч телефони” фаолияти йўлга қўйилган***

* Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси: <https://lex.uz/docs/97664>

** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси: <https://lex.uz/docs/111453>

*** “Ижтимоӣ реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-майший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизисини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3804821>



95-савол: Оғир аҳволга тушиб қолган аёллар учун ишонч рақамлари ташкил этилганми?



Жавоб: Оғир аҳволга тушиб қолган аёллар учун Республика реабилитация ва мослаштириш маркази ҳузурида “1169” ишонч телефон тармоғи ташкил этилган*.

* “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оиласвий-маишӣ зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сон қарори.
<https://lex.uz/docs/3804821>



IX бөб. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ МЕХНАТ ХҮҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ





96-савол: Ҳомиладор ва З ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинми?



Жавоб: Ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно.

Уч ёшгача боласи бор аёл билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди, факат ташкилот тугатилганлиги, ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузганлиги ва ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузганлик ҳоллари бундан мустасно*.



97-савол: Аёллар меҳнати қўлланиши тақиқланган ишлар тоифаси мавжудми?



Жавоб: Меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва майший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир. Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади. Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юқ нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тегишли идоралар билан келишган ҳолда белгилайди**.

* Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Конунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>.

** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Конунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>

? 98-савол: Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш мумкинми?



Жавоб: Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш Мехнат кодексига кўра тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки З ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин*.

? 99-савол: Мехнат фаолиятини олиб бораётган аёл ходимларнинг иш вақти муддати қандай ва болани овқатлантириш учун танаффуслар бериладими?



Жавоб: Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаслиги керак. 2 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланиши лозим. Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг бошига ёки охирига кўчирилиб, иш куни шунга яраша қисқартирилиши мумкин. З ёшга тўлмаган боланинг бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бирига ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш вақти

* Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Конунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>

давомийлиги белгиланади. Бундай ҳолда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар кунги тўлиқ иш давомийлигида ишлайдиган ходимлар учун белгиланган миқдорда амалга оширилади*.



100-савол: Ҳомиладор ва вояга етмаган фарзанди бор аёллар ўзлари учун қулаи бўлган вақтда меҳнат таътилини олиши, қўшимча ҳақ тўланадиган таътилга чиқиши ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олишлари мумкинми?



Жавоб: Ҳомиладор аёлларга йиллик таътиллар, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиши таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилиши мумкин.

14 ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган ёлғиз отага, ёлғиз онага (никоҳдан ажрашганларга, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик меҳнат таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, улар учун қулаи бўлган вақтда берилади.

12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боланинг ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили давомийлиги камида 4 календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил тақдим этилади.

12 ёшга тўлмаган икки нафар ва ундан ортиқ боланинг ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга), уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили иш ҳақи сақланмаган ҳолда давомийлиги камида 14 календарь кун бўлган таътил берилади**.

* Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>

** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>



101-савол: Ҳомиладор ва болали аёлларни енгилроқ ишга ўтказиши мумкинми?

Жавоб: Тиббий хуносага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади. Ҳомиладор аёлга енгилроқ иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ишга ўтказилиши керак*.

* Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган).
Қонунчилик маълумотлари миллый базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>



102-савол: Аёлларга ҳомиладорлик ва туғиши нафақаси бериш тартиби қандай?

Жавоб: Ҳомиладор аёлга туғруққача етмиш календарь күн ҳамда туғруқдан кейин эллик олти календарь күн (туғишиң қийин кечган ёхуд икки ёки үндан ортиқ бола туғилған тақдирда етмиш календарь күн) ҳомиладорлик ва туғиши таътили берилиб, қонунчилиқда белгиланған, лекин үртача ойлық иш ҳақининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиши таътили аёлга жамланған ҳолда ҳисоблаб чиқарилиб, туғруққача ҳақиқатда фойдаланилган кунлар сонидан қатъи назар, тўлиқ берилади*.



* Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган).
Қонунчилик маълумотлари миллый базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>

103-савол: Аёл ходимларга болани парваришилаш таътилини бериш тартиби қандай?



Жавоб: Ҳомиладорлик ва туғишиш таътили тугаганидан кейин, аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунига қадар болани парваришилаш таътили берилиб, бу давр учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда нафақа тўланади. Аёлга унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунига қадар уни парваришилаш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча таътил ҳам берилади. Болани парваришилаш таътилларидан боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани ҳақиқатда парваришилаётган бошқа қариндошлари ҳам фойдаланиши мумкин. Болани парваришилаш таътиллари даврида ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътилларнинг кўпили билан олти йили меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади*.

* Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/6257288>





Х 66. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИҢ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ



104-савол: Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга арzon уй-жой бериладими?



Жавоб: Уй-жойга мұхтож хотин-қизлар – бу оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга мұхтож оналардир. Уй-жойга мұхтож хотин-қизларни аниқлаш қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- ариза берувчида мулк ҳуқуқи асосида турар жойнинг йўқлиги ва турар жойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроқсиз турар жойда яшashi;
- бошқа оила (оилалар) билан бир уйда (бир хонадонда) яшashi;
- кўп болалилик;
- ариза берувчи оиласининг даромади;
- ижтимоий ҳусусиятига кўра алоҳида хонада яшashi керак бўлган (сил, тери-таносил касалликларининг оғир кўриниши, қандли диабетнинг йирингли яллиғланиши, псoriasis) бемор аёллар (туман тиббиёт бирлашмасининг хulosаси асосида);
- ариза берувчининг оила аъзолари орасида биринчи гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги;
- ариза берувчи уй-жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган (бир шахс учун умумий уй-жой майдони 16 кв. метрдан кам бўлмаган, курси-коляскадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун 23 кв. метрдан кам бўлмаган) уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги;
- биринчи гурӯҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз аёллар;
- ёлғиз ўзи оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган болани парваришаётган аёллар (туман (шахар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими маълумотномаси ва тиббиёт бирлашмаси хulosаси асосида).

Үй-жойга муҳтож хотин-қизлар арzon үй-жой олиш учун ҳудудий комиссияларга қонунчиликда белгиланган тартибда ариза топшириши лозим*.



105-савол: Хотин-қизларни олий таълим мұассасалари-га ўқишига қабул қилишда имтиёзлар мавжудми?



Жағоб: Республика олий таълим мұассасаларига ажратилған құшымча давлат гранти асосидаги қабул күрсаткичлари доира сида олий маълумот олиш истагида бўлган иқтидорли хотин-қизларга танловда иштирок этиши учун Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан тавсиянома берилади**.

Тавсиянома бериш мезонлари қуидагилар:

- кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар. Бунда кам таъминланган оила деганда, оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромадга эга бўлган оила тушунилади;
- тўлиқсиз оиласида тарбияланаётган, яъни отаси ёки онаси ёхуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар;
- турмуш ўртоғи вафот этган, вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар;
- ногиронлиги бўлган фарзанди бор эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар;

* “Оғир ижтимоий вазиятта тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласида тарбиялаётган ва үй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon үй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3682704>

** “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5899498>

- икки ва үндан ортиқ фарзандларини тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида (ижарада) яшаётган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёлғиз аёлларнинг қиз фарзандлари;
- ота-оналаридан бири ёки ҳар иккаласи ҳам биринчи ёки иккинчи гурӯҳ ногирони бўлган эҳтиёжманд оиласалардаги хотин-қизлар*.



106-савол: “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳларига аъзо хотин-қизлар ўқишига имтиҳонсиз қабул қилинадими?



Жавоб: Ҳозирда ёши 18 дан кичик ва 30 дан катта бўлмаган, умумий ўрта ёки ўрта маҳсус мъалумотли, бириктирилган ҳудудда доимий яшовчи, ташкилотчилик қобилиятига эга хотин-қизларни кўнгилли асосда жалб қилиш орқали “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳлари фаолияти ташкил этилган. Мазкур гуруҳларнинг асосий вазифаларидан бири ўрта, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқиётган қизларнинг хулқатворига салбий таъсир кўрсатаётган ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ масалаларни аниқлашда кўмаклашиш ҳисобланади. Гурӯҳ аъзолари бир йил давомида ўқиш ва иш жараёнига салбий таъсир этмаган ҳолда умумий 360 соат вақт мобайнинда фаолият олиб боради. Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишига муносиб ҳисса қўшган “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳлари аъзоларига Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғининг тавсияномасига асосан ҳуқуқ-тартибот органларининг ОТМга саралашнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтганидан

* “Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида эҳтиёжманд оиласалардаги хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишига қабул қилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги қарори. <https://lex.uz/docs/48666624>

сүнг якка тартибдаги сүхбатсиз (тест синовларисиз) квота асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилади*.



107-савол: “Аёллар дафтари” нима ва унга кимлар кири-тилади?



Жавоб: “Аёллар дафтари” – бу ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёки бўлган ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниqlаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси ҳисобланади. “Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган аёллар яшаб турган жойи бўйича киритилади. Шунингдек, хотин-қизларнинг яшаш жойи бўйича доимий ёки вақтинча рўйхатда турмаслиги “Аёллар дафтари”га киритишни рад этишга асос бўла олмайди**.



108-савол: “Аёллар дафтари”га хотин-қизлар неча тои-фа бўйича киритилади?



Жавоб: “Аёллар дафтари”га қўйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:

- 1) ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар – бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган ва даромад манбаига эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- 2) бандлиги таъминланмаган, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

* ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 январдаги “Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари ҳузуридаги “Тўмарис издошлари” жамоавий гурӯхлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 21-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6364696>

** “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 марта ги 145-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5932671>

3) бокұвчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар – бокұвчиси вафот этган, жазони ижро этиш муассасаларида сақланадаётган, руҳий касалликка чалинган, I, II гурӯҳ ногиронлиги бўлган ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлмаган, бедарак йўқолган (суд қарорига асосан) ёхуд бошқа сабабларга кўра бокұвчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар, фарзандлари вояга етмаган бокұвчиси бўлмаган эҳтиёжманд аёллар, шунингдек, никоҳи бекор қилинган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва эҳтиёжманд ёлғиз оналар;

4) ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтоҷ эҳтиёжманд хотин-қизлар – меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парваришига муҳтоҷ эҳтиёжманд хотин-қизлар;

5) уй-жойга муҳтоҷ эҳтиёжманд хотин-қизлар – нотурар жойларда истиқомат қилаётган, доимий яшаш учун турар жойи бўлмаган, бир хонадонда уч ва ундан ортиқ оила яшаётган (уй-жой майдони белгиланган ижтимоий нормадан кам бўлган), бироқ ўзининг ёки биргалиқда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

6) қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар – ногиронлиги бўлган вояга етмаган (I гурӯҳ ногиронлиги бўлган фарзанди ёшидан қатъи назар) фарзандини бевосита парваришлаётган ва (ёки) сурункали касалликнинг оғир турларига чалинган болалари мавжуд бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар*.



109-савол: “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириши учун имтиёзли кредит ажратиладими?

Жавоб: “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириши учун кредитлар 33 миллион

* “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиши ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартағи 145-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5932671>



сүмгача миқдорда “маҳалла еттилиги”нинг коллегиал қарори асосида ажратилади.

Кредитлар 14 фоизлик ставкада:

● оилавий тадбиркорлик, даромад тошига қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғуланиш истагини билдирган хотин-қизларга – 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгacha муддатга;

- чорвачилик (четдан келтирилган наслии қўй ва эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун – 1 йилгacha бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгacha муддатга;
- боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун – 3 йилгacha бўлган имтиёзли давр билан 7 йилгacha муддатга ажратилади.

Кредитлар қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташкилотларнинг банкдаги ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан ажратилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган ва ўзини ўзи банд қиласидаган хотин-қизларга айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (касаначилик, ҳунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун зарурий хом ашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 млн сўмгача миқдорида кредит маблағлари нақд пулда берилиши мумкин.

Кредитлар “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ ва АТ “Халқ банки”нинг туман (шахар) филиаллари томонидан “Аёллар дафтари”да ҳисобда турган хотин-қизларнинг мурожаат қилиш қатъий навбати асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилади*.

* “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартағи 145-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5932671>



110-савол: “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга томорқадан ва деҳқончилиқдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш қандай тартибда амалга оширилади?



Жавоб: “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга томорқадан ва деҳқончилиқдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;
- парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишини йўлга қўйиш;
- деҳқончилик билан шуғулланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларида ҳар томонлама кўмаклашиш;
- “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш.

Ушбу мақсадлар учун субсидиялар ва кредитларни ажратиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади*.



111-савол: “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга моддий ёрдам пули бериладими?



Жавоб: Ҳар йили маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоли ариза берувчининг ижтимоий тоифаси ва ҳолатидан келиб чиқиб, “маҳалла еттилиги”нинг йигилишига бир марталик моддий ёрдам бериш бўйича таклиф киритади. Бир марталик моддий ёрдам бир кален-

* “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартағи 145-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5932671>

дарь йили давомида бир маротаба берилади. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди бор ёлғиз она-ларга қўшимча моддий ёрдам бериш чоралари кўриб борилади.



112-савол: “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар жой ижара пуллари тўлаб бериладими?



Жавоб: Албатта, турар жой ижараси тўғрисидаги шартнома уч томонлама: ижарага берувчи, ижарага оловчи ва туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ўртасида тегишли йилнинг сўнгги кунигача бўлган муддатга тузилади. Туар жой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача бўлган қисми Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда камбағал оила аъзоси бўлган хотин-қизларга эса “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан турар жой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизи, лекин кўпи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача, Тошкент ва Нукус шаҳри ҳамда вилоятлар марказларида БХМнинг 3 бараваригача миқдорда қоплаб берилади. Туар жой ижараси учун тўловлар ижарага берувчига тўғридан-тўғри тўланади*.



113-савол: “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар жойлари таъмирлаб берилиши мумкини?

Жавоб: Ишчи гурухлари томонидан тегишли мутахассислар жалб қилинган ҳолда, камбағал оила аъзоси бўлган хотин-қизларнинг

* “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎЭР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартағи 145-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5932671>



ҳамда ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваригача бўлган оила-ларнинг, хотин-қизларнинг уй-жойи ҳолати ўрганилади ва далолатнома ҳамда таъмирлаш ёки қурилиш материалларини олиб бериш бўйича смета ишлаб чиқилиб, “Аёллар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгашига киритилади. Ҳар бир уй-жойни таъмирлашга зарур бўлган қурилиш материалларини харид қилиш учун тегишли товарларни (хизматлар ва ишлар)ни етказиб берувчиларга шартномага мувофиқ “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда маблағ ўтказиб берилади*.



114-савол: “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга бепул ҳуқуқий ва психологияк ёрдамлар кўрсатиласми?



Жавоб: “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга қўйидагилар бўйича бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади:

прокуратура органлари – ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш, судга мурожаат қилиш тартибини тушунтириш, судга мурожаат қилиш учун керак бўладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш;

ички ишлар органлари – тазиик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ушбу таҳдидлардан ҳимоя қилиш, такорий зўравонлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида профилактика сұхбат қилиш ва зўравонлик содир этган шахсни тузатиш бўйича ваколатли органга юбориш, ҳимоя ордери талабларининг ижросини назорат қилиш;

аддия органлари – ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.

* “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартағи 145-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5932671>

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга “Аёллар маслаҳат кенгаси”, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, үнинг ҳудудий ва туманлараро марказлари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳузуридаги “Хотин-қизлар ҳуқуқий, психологик маслаҳатхонаси”, таълим муассасаларининг, малакали психологлари томонидан бепул психологик маслаҳатлар бериб борилади*.



115-савол: Қандай ҳолатларда хотин-қизлар “Аёллар дафтари”дан чиқарилиши мумкин?



Жавоб: Хотин-қизлар қўйидаги ҳолларда “Аёллар дафтари”дан чиқарилади:

- ҳар бир тоифа бўйича белгиланган амалий ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда (индивидуал дастур асосида);
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- ўз аризасига кўра;
- “Аёллар дафтари”га ноқонуний киритилганлиги аниқланганда;
- бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукми қонуний кучга кирганда;
- шахс вафот этган тақдирда ёки суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилганда.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурга киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилгунга қадар уларни “Аёллар дафтари”дан чиқаришга йўл қўйилмайди.

* “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-таддирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартағи 145-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5932671>

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан “Аёллар дафтари”га тегишли ўзгартиришлар киритилиши керак*.

* “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартағи 145-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5932671>

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Ташкилот номи	Ишонч телефони
Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси	1000
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	(71) 239-82-60 (71) 239-84-86
Ўзбекистон Республикаси Олий суди	+998 71 207-73-77 (01707); +99871 207 97 37
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	1007
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси	1107
Вазирликлар	
Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартирш ва бандлик вазирлиги	(71) 203-01-30 (71) 200-06-00
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	(71) 203-50-50 (01-115) (71) 203-31-71
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	1006 55-520-08-08 (195)
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1003 (71) 203-15-19
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	1102 (71) 231-43-04 (71) 231-33-46
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги	1357 (71) 269-81-50 (71) 269-81-77
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	1050 1101
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	1164 (71) 239-46-35
Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги;	(71) 238-50-05 (71) 238-51-90
Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги	+99871 238-41-52

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	1008 (71) 207-04-43
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги	+998 (55) 502-33-75; (55) 502-33-77; (1240)
Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	1157, +998 (71) 207-07-70 (1117#)
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	1298 (71) 210-11-04
Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги	(71) 239-24-51 (55) 520-90-07
Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	(71) 202-09-09
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	1167, +998 (71) 202-05-01
Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги	(71) 202-47-00 (71) 202-47-48
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	1243 +998 (71) 206-70-30 (71) 206-72-30 (71) 206-70-65
Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги	(71) 231-16-61 (7050) (71) 231-81-18
Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	(71) 231 05 44 (71) 231 05 96
Қўмиталар	
Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси	1151 (71) 203-80-00
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	1198 (71) 202-32-82
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат божхона қўмитаси	1108 (71) 203-31-71
Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси	1163 (71) 205-06-00 (71) 200-00-88

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантариш қўмитаси	(71) 202-12-00 (201) (71) 202-12-00
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси	(71) 203-02-39 (71) 203-02-39
Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси	(71) 207-17-58
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси	(71) 238-75-05
Инспекциялар	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси	(71) 234-51-39
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги	(71) 202-10-00 (71) 202-84-84
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси	(71) 202-12-47 (71) 202-12-48
Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси “Ўзкомназорат”	1144 (71) 202-69-65
Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончилиқда ва коммунал-маший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси	+99871 244-23-53
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси	(71) 208-10-19 (71) 208-10-15
Агентликлар	
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” Агентлиги	(55) 503-01-50
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги	1195 (71) 235-19-14
Ўзбекистон Республикаси Кадастр агентлиги	1097

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	1082 (71) 259-21-37
Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги	(71) 232-50-54
Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	(71) 202-11-01 (71) 202-00-11
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги	(71) 277-81-44
Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлиги	(55) 902-22-22
Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари	
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi	(61) 222-26-14
Андижон вилояти ҳокимлиги	(74) 225-80-00 (74) 223-30-31
Бухоро вилояти ҳокимлиги	(65) 222-22-22
Жиззах вилояти ҳокимлиги	(72) 226-00-11
Қашқадарё вилояти ҳокимлиги	(75) 221-07-60
Навоий вилояти ҳокимлиги	(79) 220-10-20 (1066)
Наманган вилояти ҳокимлиги	1056 (71) 200-07-22
Самарқанд вилояти ҳокимлиги	1177 (66) 230-47-77
Сурхондарё вилояти ҳокимлиги	1088 (76) 224-02-89 (76) 224-12-05
Сирдарё вилояти ҳокимлиги	(67) 225-29-82 (67) 225-29-82
Тошкент вилояти ҳокимлиги	(71) 232-80-73 (71) 232-80-58
Фарғона вилояти ҳокимлиги	(73) 244-05-23 (73) 244-05-23
Хоразм вилояти ҳокимлиги	(62) 223-00-54 (62) 223-00-87
Тошкент шаҳар ҳокимлиги	(71) 210-03-36 (71) 210-03

ҚҰШИМЧА МАНБАЛАР



www.advice.uz



www.gendermadad.uz



telegram: https://t.me/advice_uz



facebook: <https://www.facebook.com/adviceuz>



Instagram: [madadnnt_](https://www.instagram.com/madadnnt_)

“Мадад” ННТ ишонч рақамлари:  +99871 256-52-53
+99871 256-03-43

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУХТОЖ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ҚЎЛЛАНМА

Ўзбек тилида

Нашр учун масъуллар:
Акбар Мусаев
Шерзод Абдуллаев
Музaffer Ахмедов

Мұхаррір:
Дилором Маткаримова

Саҳифаловчи дизайнер:
Хуршид Холиёров

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лиц. АИ № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкӯчаси, 19-уй.
Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47

Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz
e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 29.09.2025 й.
Қоғоз бичими 60x84 1/₁₆. «Calibri» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 7.
Нашриёт ҳисоб табоғи 5. Адади 1 000 нусха.
-буортма.